аҳолининг зичлиги, меҳнат тақсими, йирик қўламадаги ҳунармандчилик, ижтимоий табақалашув, солиқ ёки бож тизими, аниқ белгиланган давлат chegarasi, ҳукмдор саройининг мавжудлиги, марказий оғир (ғазна), сугориш ва мудофаа иншоотлари тизими, топиноқлар каби улкан жамоавий қурилишлар, узоқ масофали тижорат, ёзув, аниқ фанлар, масалан, оддий арифметика.

Археологик изланишларда Турон ўлкасининг турли теғраларида жез асрига тегишли экин-тикинчилик жамоаларининг қишлоқ ва шаҳар қолдиқлари ҳамда чорвачилик билан шугулланган гуруҳларнинг мазор-қўрғонлари очилган. Жанубий Туронда жез асрида гуллаб-яшнаган Амударё цивилизацияси бугунги кунда Жанубий Туркманистон, Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистонгача ёйилиб, унинг эрамыздан олдинги III минг йилликдаги, яъни 5000 йил олдин илк шаҳарчилик босқичига тегишли Олтинтепа, Намозгоҳ, Кўнғир (Тонур) каби археологик қолдиқлари кўп йиллар давомида қазиб ўрганилган.




Жанубий Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида эса эрамыздан олдинги II минг йилликнинг биринчи ярмида — 4000-3500 йил олдин илк шаҳарчилик маданиятига асос солинган. Сополитена мажмуаси Турон ўлкаси илк шаҳарчилигининг ёрқин кўриниши бўлиб, келиб чиқиши Жанубий Туркманистондаги Копетдоғ этақларидаги Намозгоҳ мажмуаларига боғлиқ бўлгани тахмин қилинади.

Сополитена археологик ёдгорлиги Амударё яқинида, Қўхитан тоғларидаги Пашхурт воҳасидан Шеробод чўлига олиб чиқувчи даралардан бирида ўрин олган. Бу ердаги Қайнарбулоқ ва Уланбулоқ сой сувларига таянган ҳолда эрамыздан олдинги II минг йилликнинг 2-чорагида — 4000-3700 йил олдин қадимги экин-тикинчиларнинг шаҳарчаси қад кўтарган. Бу ёдгорлик харобалари маҳаллий аҳоли орасида Сополитена деб ном олган. Сополитена майдонининг экин-тикинчилик шўролар даврида пахта экили, унинг марказий қалъа қисмига сақланган қолган. Қалъа атрофидаги ёдгорлик майдонига сочилиб ётган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, урчуқтош ва ҳайвон сужлари, турли меҳнат қуроллари қараганда, унинг умумий майдони ўз даврида 4-5 гектардан кам бўлмаган. Бу ерда ўтказилган археологик қазималар асосида ёдгорлик фавқулодда ноёб, уй-жой мажмуаларининг меъморий қурилиши ҳамда мудофаа иншоотларининг мукамаллиги билан аждрларини муҳандислик илмининг юксак намунаси бўлгани аниқланган.

Сополитена ёдгорлигига яқин жойда — Бўстонсойнинг чап соҳилида бундан 3500 йил олдин Жарқўтон шаҳарлашган аҳоли пункти қад кўтарган. Афсуски, унинг катта қисми шўролар даврида пахта ва сабзавот экин майдонларига айланган. Узоқ вақтгача қийин бўлган қисми Бўстонсой соҳили бўйларидagi жарликлар туйфайли сақланиб қолган. Ёдгорликнинг бизгача етиб келган шаклига кўра, у икки қисмдан — мудофаа деворлари билан ўралган ҳукмдор саройи, унга туташиб кетган аҳоли зич яшаган майдондан иборат бўлган. Унинг жанубида бир неча табиий тепаликларга жойлашган шаҳар-қабристон бўлган. Ёдгорлик юзасида сочилиб ётган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, бошқа меҳнат қуроллари бу ерда уй-жой ва ишлаб чиқариш устаноларининг ўз даврида гуллаб-яшнаганидан далолат беради. Жарқўтонда олиб борилган археологик

қазималар гувоҳлик беришича, бу ердаги иншоот мажмуалари хом гиштлардан кўтарилган пойдеворлар устига қурилган. Жарқўтон жез асрининг 100 гектарга тенг энг йирик илк шаҳар қолдиғи саналади.

Илк темир асрининг бошланғич босқичида, эрамыздан олдинги I минг йилликнинг биринчи ярмида, яъни 3000-2500 йил олдин Шимолий Бактриянинг уч йирик экин-тикинчилик ҳудуди — Шеробод, Бойсун ва Сурхон воҳаларининг ҳар бирида йирик марказий шаҳарлар — Жондавлаттепа, Қизилтепа, Ҳайитободтепанинг юзага келиши



қузатилади. Бир-бирига яқин жойлашган бу уч илк шаҳар атрофида кўп қабил қишлоқ, мазор-қўрғон ва ҳарбий қароргоҳлар ўрнашган. Шунингдек, улар қадимий йўллар ва сугориш тармоқлари орқали бир-бирига боғланган ягона воҳа давлати тизимини шакллантиргани аниқланган.

Сўғд тарихий-маданий ўлкаси Зарафшон ва Қашқадарё водийларини қамраб, шартли ўлароқ уч қисмга бўлинади — Марказий Сўғд (Юқори Зарафшон), Ғарбий Сўғд (Куйи Зарафшон) ва Жанубий Сўғд (Қашқадарё воҳаси).

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Узунқир, Сангиртепа ва Подаётоқтепа ёдгорликлари Жанубий Сўғда эрамыздан

Ерқўрғон Жанубий Сўғднинг қадимги бош шаҳарларидан бири Нахшабнинг харобаси, ҳозирги Қарши шаҳри яқинида жойлашган. Ички қисмининг майдони 40 гектар бўлиб, бу ерда ўрда ва ҳукмдор саройи, шаҳар топиноғи, зардуштийлик кўмиш маросими ўтказиладиган дахма, юқори табақа вакилларига тегишли қабристон, кулоллар ва металлургия маҳалласи ҳамда эрамыздан олдинги VIII-VII асрлар мудофаа тизими бўлаклари мавжуд.



олдинги I минг йилликнинг биринчи ярмида — 3000-2500 йил олдин — шаҳарлашган туста эга йирик тизимни ташкил қилган. Узунқир шаҳар қолдиғи бўлиб, зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода Гава-Сўғда деб аталган қадимий ўлканнинг маъмурий маркази бўлиши мумкин.

Узунқирнинг умумий майдони 70 гектар, мудофаа деворининг узунлиги 650 метр, эни 20 метрга тенг бўлган. Бу девор биринчи бўлиб эрамыздан олдинги X-IX асрда гуваласимон хом гиштлардан қурилган. Ушбу усул Марказий Сўғднинг Кўктепа ва Афросиёб сингари қадимги шаҳарлари деворларига ҳам хос. Шаҳар Тахтақорача ва Оқрабод домини орқали Бактриядан Марғуштага олиб борувчи стратегик йўлни назорат қилиб турган. Подаётоқтепа буржли мудофаа девори ва теварагида хандақ билан ўралган иншоот бўлиб, Узунқирни қўриқлаш учун олдинги

ҳудди Кўктепадагидек гуваласимон хом гиштдан мудофаа девори кўтарилган.

Амударёнинг куйи оқимида ўрнашган Хоразм тарихий-маданий ўлкаси илк темир асрига келиб шаҳарчилик негизда давлатчилик вужудга келган ўчоқлардан яна бири саналади. Хоразм цивилизациясининг илк излари Кўзаликқир, Ҳазорасп, Хумбузтепа каби илк шаҳар харобалари ва уларнинг теварагида ўз даврида гуллаб-яшнаган воҳалар бўлган. Кўзаликқир Туркманистоннинг Тошхўвуз шаҳридан 60 қақирим ғарбда жойлашган, майдони 25 гектарга тенг, икки қатор мудофаа деворлари билан ўралган ва эрамыздан олдинги VII-V асрларда гуллаб-яшнаган қадимги Хоразмнинг илк шаҳарларидан бирининг қолдиғидир. Бу ердан ҳукмдор саройи, кўлаб сопол идиш синиқлари, жездан ясалган ўқ учлари, от югани бўлаклари, аён тақинчилик топиноғи, Кўзаликқирликлар экин-тикин билан шугулланган, бироқ кўпроқ вақтини яйлов сурувчилиги билан ҳам ўтказган.

Хумбузтепа ёдгорлиги Амударё бўйида жойлашган ва 4 гектари сақланиб қолган Жанубий Хоразм илк шаҳарларидан биридир. Олиб борилган қазималар натижасида эрамыздан олдинги VII-V асрларга тегишли бўлган топиломалар очилган. Ушбу қазималар илк шаҳарчилик ва давлатчилик Хоразмнинг жанубида юз берганини кўрсатмоқда. Изланишларда хумбузтепаларнинг илк бошданоқ чархда ишланган юқори сифатли кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаргани ва Туронда энг қадимийлардан бири бўлган олов топиноғига эга бўлгани аниқланган.

Фаргона водийсида илк темир асрига тегишли энг қадимги шаҳар кўринишига эга ёдгорлик Эйлатондир. Бу шаҳар Андижон вилояти Избоскан туманида жойлашган бўлиб, ўз даврида унинг мудофаа девори ичкаричилиги майдони 200 гектарга тенг бўлган. Шаҳарнинг 20 гектарлик ҳукмдор ўрдаи ҳам кучли мудофааланган қазималардан маълум бўлган.

Эрамыздан олдинги VII-III асрларда яшаган Эйлатонликлар Фаргона водийси бўйлаб 40 дан ортиқ қишлоқ ва шаҳар қуриб, кулолчилик, темирчилик ва тўқувчилик билан шугулланган.

Шундан қилиб, илк темир асрида эрамыздан олдинги I минг йилликнинг биринчи ярмида — 3000 йиллар олдин Туроннинг бир неча тарихий-маданий ўлкасида, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида мустақил ўлароқ илк шаҳарчилик ва давлатчилик шаклланиши кузатилади. Бу Шимолий Бактрия, Сўғд, Хоразм ва Фаргона ҳисобланади.

Фарҳод МАҚСУДОВ, ЎзФА Миллий археология маркази директори, тарих фанлари доктори

ШУКУХ

ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

Баҳор бошқача — гўзал ва сулув фасл. Шоирна ифода билан айтганда, фасллар маликаси, келинчаги! Оламнинг барча рангини факат кўкда кўрамиз. Наврўз эса шу фаслда тароватли, ҳароратли кунлар асносида умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналари жонланади, янгича қиёфа касб этади. Шу тарика азалий қадриятларимиз келажак авлодлар онгу шуурига сингиб боради.



бугун янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётгани таъкидланган.

Наврўз — бағрикенглик байрами. Уни мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бирдек катта хурсандчилик билан нишонлайди. Бу баҳорий байрам ўзбекининг ўзлигини, бағрикенглигун меҳмондўстлиги, қўйингли, барча инсоний қазилатларини мужассамлаштирган.

Утган йили Президентимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда таъкидлаганидек, “Наврўз олам фалсафаси бизнинг орзу-интилишларимиз, амалий ишларимиз билан узвий боғланиб кетганини бугун ҳар қадамда яққол кўриш мумкин. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган эзгу гоя атрофида бирилаган халқимизнинг олжаноб меҳнати билан мамлакатимизда янги-янги замонавий корхоналар, шинам уй-жойлар, ижтимоий ва маданий объектлар, йўл ва кўприклар, бог ва хиёбанлар барпо этилмоқда. Юртимиз қиёфаси кўндан-кўнга обод ва гўзал бўлиб бормоқда”.

Юртимизда аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўлаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмастик, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув ресурслари, барча табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифамизга айланмоқда. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида нишонланадиган бу йилги Наврўз шодиёналари шу боис, янги ҳаёт ва мазмун касб этади. — Улуғ аждрларимиз Наврўз байрами янги йилнинг боши дея билиб, фаслнинг

қандай кириб келиши, қай тарзда бошланишига қараб йил давомида деҳқончилик, чорвачилик, тижорат ва умуман, ҳаётнинг барча жаҳасида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги муйайн хулосаларини ёзиб қолдирган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори Муслиҳиддин Муҳиддинов. — Шу асосда “Солнома”, “Наврўзнама”, “Меърожнама” каби асарлар биттилган. Аслида, бу байрам, энг аввало, яратувчанлик ва хотиржамлик байрамидир. Унинг энг муҳим моҳияти маънавий ва маданий

ҳаётдаги тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат ҳамда инсонпарварлик гоёси, дўстлик ва ўзаро ёрдани мустаҳкамлашдаги ўрнидир. Бугун дошимандона юртилаётган ижтимоий сиёсат байрамона кайфият сурурини жадаллаштириш экан, бешак туркий башариятнинг ҳар турли қадрили ҳар тонги умидли, оҳори янгиждир!

Бугун юртимизда катта таравдуд. Қарорга кўра, жойларда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган барча тадбирларни миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳамда бугунги ислохотларимизнинг маъно-моҳиятига мос ҳолда қилиб олиш зарур. Шунингдек, маълумотидаги туб демократик ислохотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашида юз бераётган

ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг инсонпарварлик ва инклизивлик моҳиятига, азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг экани тантаналар моҳиятини белгилаб беради.

Қайд этилганидек, бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Муруват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтларига киритилган, кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастуронини ёзиш ҳамда турли хайрия тадбирларини ўтказиш алоҳида эътибор марказида бўлади.

Энг асосийси, “Ишил макон” умуммиллий лоийҳасида белгиланган тадбирлар амалга оширилиб, байрам арафасида барча ҳудудда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш акциялари, умумхалқ ҳашарлари ўтказилади.

Демак, баҳорнинг асосий байрами мамлакатимизда “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” деган бош гоя асосида кенг нишонланади. Унинг ҳар доимидек юқори савияда ўтиши барчамиздан масъулият ва дахлдорлик талаб этади.

Нодир МАҚМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан очиқ мулоқотида креатив индустрия парклари худудларда ҳам ташкил қилиниши борасидаги сўзларини эшитиб тоғамга телефон қилдим...

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ

УНИНГ МАНБАИ — БИЛИМ ВА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТ

Сўнг тоғам вақтинг бўлса, мени бир саройга олиб бор, деб қолди. Даставвал қаерлигини билмай, қанақа саройлигини сўрадим. Кейин жиянинг ҳар сафар телефон қилганида саройдаман, дар киялганман, дейди...

— Супермаркетда сотувчилик қиламан. Тушгача шу ерда дарс тайёрлайман. Сўнг “Ижод” кафеда оғвотланам, ишга бораман. Бу ерда керакли китоблар бор. Интернет бепул. Бир йўла билимимни ҳам мустаҳкамлапман...



ҳам шунақаси бўлса, дея ортига энтиқиб қараганча эшиқдан чиқди. Мен ҳам ўшанда креатив индустрия паркидаги ёшларнинг шижоати, олдига қўйган аниқ мақсад ва режаларига қараб интиқилишни кўриб тасвирландим...

ҳам терак, қайин, чинор каби ўз номи, ўзига ҳос хусусиятлари бор, деган эди. Устозим таърифини келтирган уюшган ёшларни шу ерда учратдим. Улар мамлакатимиз келажagini яратадиган, янги Ўзбекистонни янги марралар сари олиб чиқадиган келажак таъналари эканига амин бўлдим...

дизайнер, пиар менежер ва таргетинг бўйича мутахассис, видеограф (ёки мобилограф), СММ менежер, 3D дизайнер каби мутахассислар тайёрланишидир. Масалан, пойтахтимиздаги креатив паркиннинг ақсарият лойиҳалари айтишу йўналишига қаратилган. Хусусан, “Ustoz AI” мобил иловаси орқали масофадан туриб ҳам юқоридаги касблар бўйича таълим олиш мумкин...

яратган суъий интеллект асосида ишлайдиган инновацион платформа — инглиз тилини ўрганувчиларга мўлжалланган “Speaklish” дастури креатив иқтисодиёт намунасидир. Сабаби дастурни яратишда инсоннинг дунёқараши, креатив фикрлаши, инглиз тилини билиш даражаси асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнг тоғам вақтинг бўлса, мени бир саройга олиб бор, деб қолди. Даставвал қаерлигини билмай, қанақа саройлигини сўрадим. Кейин жиянинг ҳар сафар телефон қилганида саройдаман, дар киялганман, дейди...

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Сахрат ЭШМУРОДОВ “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“БЕДАРАК” ДАН ХАЙРЛИ ДАРАКЛАР

Дастур — амалда

Бағдод туманидаги “Бедарак” МФЙга қарашли Дўстлик қишлоғида янги йил бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан бошланди. Чеқка қишлоқ катта қурилиш майдонига айланган кетди. Йўл солаётган, сув тармоқлари тортиб, дарахт экаётган ташаббускорлар саъй-ҳаракати бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ.



Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ташкил этилган чеқка қишлоқ йиллар давомида эътибордан четда қолди. Йўл, сув, электр таъминоти, томорқадан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келган. Мавжуд масалалар ечимида одамларнинг амалий ёрдам сўраб бормасан идораси, бош суқмаган эшити қолмади. Бироқ ҳеч ким ҳеч иш қилмади, қила олмади ўшанда. Кундалик ҳаёт тарзи учун оқдий шароит йўқлигидан азият чеккан ақсарият оилалар бу ердан кўчиб кетишга мажбур бўлди...

қазиланти, кўчаларимиз тунда ҳам чарогон. Тўғриси, худудимиз бу қаҳар ўзғариб кетади деб ўйламагандик. Бу ерда биргина суғориш тизимини йўлга қўйиш учун 2 миллиард 200 миллион сўм йўналтирилган томорқачилик, чорвачилик, паррандачилик ва боғдорчилик йўналишларидаги истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш, аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлаш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 46 та таянч устун алмаштирилди, замонавий кабель тармоқлари тортилиб, қуёш панели 30 та тунги ёриткич ўрнатилди. Томорқаларда сув таъминотини яхшилаш учун 2 та тик қудуқ қазилди, 5 километр ички ариқни бетонлаштириш ишлари бажариляпти...

Долзарб мавзу

Кейинги йилларда бутун дунёда озик-овқат хавфсизлигига эришиш, аҳолини хавфсиз ва сифатли маҳсулотлар билан барқарор таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунинг боиси аниқ: истеъмол кўпайиб борапти, ер ва сув ресурслари эса чекланган. Янги Ўзбекистонда аҳолини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришиш учун мамлакатда қишлоқ хўжалиги имкониятини инновацион ривожлантириш мақсад қилинган. Ушбу стратегик мақсад ва вазифаларга эришиш эса бевосита тупроқнинг ҳолатига боғлиқ. Янги ҳосилдор тупроқни сақлаб қолиш учун сиёсат ва рағбат зарур.



УЙ-ЖОЙ ВА СANOAT KOPXOHAЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТУПРОҚЛИ ЕРГА ҚУРИШ МУМКИН ЭМАС?

Шу жиҳатдан олганда, бундан бир йил аввал қабул қилинган “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонунда табиий экологик тизимларни муҳофаза қилиш, тупроқдан самарали ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, сифатини сақлаш, салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш каби долзарб масалалар белгилаб қўйилган. Энг асосийси, қонунга биноан тупроққа расмий ҳуқуқий мақом берилди. Чунки ушбу қонуннинг бутун мазмун-моҳияти Ўзбекистон худудини доғдиратишга қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 январдаги “Тупроқ мониторингини амалга ошириш ҳамда тупроқнинг унумдор қатламини аниқлаш тартибининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилгани бундан тўғрида барқарор тупроқ сифатига эришиш ва сақлашга қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 январдаги “Тупроқ мониторингини амалга ошириш ҳамда тупроқнинг унумдор қатламини аниқлаш тартибининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилгани бундан тўғрида барқарор тупроқ сифатига эришиш ва сақлашга қаратилган.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шухрат БОБОМУРОДОВ, Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти директори, биологика фанлари доктори



ҲАЁТ — ҲАРАКАТ ДЕМАК

Мухторхон ТОШХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Миллий
Паралимпия қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

ЁХУД “СОҒЛОМ ИНСОН — СОҒЛОМ МИЛЛАТ” ҲОЯСИНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Йиғилиш халқимиз саломатлиги, баркамол авлодин камол топтириш борасидаги қатор масалалар ечимига қаратилди. Спорт — соғлом халқ, соғлом жамиятнинг таянч устидир, деган ҳаётий ҳақиқатга асосланган вазифалар белгилаб берилди. Аини пайтда спортга шунчаки мусобақа эмас, миллат генетики, мамлакатнинг қудрати ва обрў-эътиборини бутун дунёга тараннум этадиган энг таъсирчан восита, энг устувор вазифа деб қараш зарурлиги таъкидланди.

Биз ҳақли равишда аждодларимиз билан фахрланамиз. Улар илм-фанда ҳам, давлатчилик барпо этишда ҳам катта қудратга эга бўлган. Бу инкор этиб бўлмади ҳақиқат. Бугун ана шу аждодларга муносиб авлод бўлишимиз шарт. Бунинг учун, аввало, миллатнинг генетикини асрай олиш зарур. Агар инсон жисмонан бақувват бўлмаса, турли хасталикларга енгилди. Зеро, Виктор Гого айтганидай, “Рух қалъасини сақлаб қолтириш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур”.

Шу боис, Уччинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишнинг муҳим шартларидан бири миллат генетикини асрашдир. Бунинг учун эса жисмоний қувват жуда муҳим. Йиғилишда “Соғлом инсон — соғлом миллат” ғояси умуммиллий ҳаракатга айланиши кераклигини таъкидлангани бежиз эмас.

Инсон саломатлиги учун жисмоний фаоллик ва соғлом овқатланиш жуда муҳим. Жамиятимизда эса мана шу икки жиҳатни кенг тарғиб этиш зарур. Бу борада сўнгги йилларда жуда яхши натижаларга эриша олдик. Масалан, яқин-яқингача хиебонлар, йўлаклар девяри бўш турарди. Ҳозир тонгда спорт майдонлари, хиебонлар, йўлаклар жисмоний машқ бажараётган юртдошларимиз билан тўла. Бунга қандай эришдик?

Аввало, маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар олдидиғи майдончаларда спорт билан шуғулланишга шарт-шароит яратилди. Бепул фойдаланиш учун спорт хизматлари ўрнатилди. Аҳоли орасида пиёда юриш кенг тарғиб этилди. Кичик спорт майдонларини ташкил этиш учун 2018 йилдаёқ тадбиркорларга имконият берилган эди. Натижа эса қувонарли. Бу-гун энг чеklang маҳаллаларда ҳам ёшлар замонавий мини футбол майдонларида тўп сурмоқда. Энди бу борадаги ишларни янги bosқичда давом эттиришни давринг ўзи тақозо этмоқда.

Маълумотга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 44 фоизига жисмоний фаоллик етишмайди. Яна 36 фоиз аҳоли тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилмайди. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз масъуларга бошқоқчи ва долти маҳсулотлар, мева-сабзавотлар истеъмолини кўпайтириш борасида халқчил тилда тушунириш ишларини олиб бориш вазифасини қўйди. Бу бевоcита одамларнинг саломатлиги билан боғлиқ вазифа. Илро, мазкур вазифанинг ижроси, Гипнокортебдораси билан айтганда, еган овқатимиз

дори, шифо бўлишини таъминлаш, дегани. Шунинг ўзиёқ янги Ўзбекистонда ислохотлар инсон қадрли учунлигини исботлайди.

Лекин таомнинг шифобахши қилиб, зарарлисини танилаётганлар ҳам бор. Масалан, тез тайёр бўлувчи ва таркибида канцероген моддалар юқори бўлган маҳсулотлардан тийилиш керак. Чунки улар турли касалликларга сабаб бўлади. Афсуски, бугун бундай маҳсулотлар савдоси кўпайган. Ён-атрофни кузатган киши яхши билади, тез тайёр бўладиган маҳсулотни қирқ ёшгача бўлганлар кўпроқ истеъмол қилади. Шунинг ўзиёқ соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиш заруратини кўрсатади. Бунинг учун барча даражадаги маъсуллар бирдек фаол бўлиши, жамиятимизда шахсий намунани кучайтиришимиз керак. Шундангина олдимизга қўйилган вазифа, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик тарғиботи билан ҳар бир оилани қамраб олишга эришимиз.

Яна бир муҳим жиҳат, бу масалаларни қонун даражасида мустаҳкамлаш учун “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун тўбдан қайта кўриб чиқилган бўлди. Мақсад қонунни замон талабига мослаш. Ишларни тўғри ташкил этиш учун қонуний асос жуда муҳим. Кутилаётган қонун аҳолига соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун кенг имкониятлар яратиши, давр талаби билан ўртага чиқатган айрим масалаларга ечим беришга қаратилди. Шу орқали жамиятимизда соғлом турмуш тарзи янада оммалашади.

Ҳозир оммавий спорт мусобақаларида катта ёшдаги инсонлар иштироки кам. Давлатимиз раҳбари йиғилишда мазкур масалаларга ҳам аниқ ечимларни кўрсатиб ўтди. Жумладан, энди ҳар ҳафтада маҳаллаларда оммавий жисмоний фаоллик тадбирлари ўтказилади.

Худудлардаги спорт машғулотлари изчиллигини таъминлаш жуда муҳим. Айнан изчиллик натижадорликни белгилаб беради. Шу боис, бу тадбирлар бир-икки марта номига ўтказиб қўйилмаслиги шарт. Йиғилишда мазкур жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмади. Энди маҳаллалар кесимида “Аҳолининг жисмоний фаоллиги рейтингини” юритиладиган бўлди. Бу мутасаддилар масъулиятни яхшироқ ҳис этишда жуда зарур жиҳат.

Йнги Ўзбекистонда ислохотларнинг илк кунлариданоқ китобхонлик кенг тарғиб этилди. Ҳатто ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш учун танлов ташкил этилиб, голибга автомобиль бериладиган бўлди. Натижада ёшлар орасида китоб ўқишга қизиқиш жуда кўчиди. Ҳатто наشريётлар китоб тақдимотларини катта байрамдай ўтказмоқда. Бу китоб ўқишга рағбат, тарғибот натижаси. Энди соғлом турмуш тарзини ҳам худди шундай рағбатлантириш, оммалаштириш мақсад қилинмоқда. Яъни ҳар йил якунида энг фаол спортчи

оилаларга тренажёрлар берилди. Маҳаллаларда фаол инсонлар қанча кўп бўлса, ютуқ ҳам шунга яраша бўлади — бундай маҳалла аҳли учун спорт майдончалари қурилиб, жаҳозланди. Мақсад аҳолининг оммавий спорт билан қамровини камида 15 миллионга етказиш, юртдошларимиз онига “Соғлом инсон — соғлом миллат” ғоясини чуқур синдиришдир. Қолаверса, ногиронлиги бор шахсларнинг спорт билан қамровини 2 баробар кўпайтириш мақсад қилинган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблаг 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошган. Мурабийларнинг ўртача маоши 2 баробар кўпайиб, 101 та йил икки спорт объекти қурилган. Бу маблаглар шунчаки мусобақага бориб медал олиб келишимиз учун сарф этилгани йўқ. Балки спортчилар орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда юртимизда жисмоний тарбия билан шуғулланиш имкониятини кенгайтиришга йўналтирилган. Шу сабаб буни, ҳеч шубҳасиз, келажакка тикилган сармога дейиш мумкин.

Маҳаллалардаги спорт тадбирларига ногиронлиги бўлган шахслар ҳам кенг жалб этилади. Юқорида жисмоний қувват руҳий тетиликка сабаб бўлиши ҳақида айтган эдик. Ҳа, спорт инсонни ҳар жиҳатдан



чиниқтиради. Бунга ҳар гал адаптив спорт билан шуғулланган инсонлар билан кўришганда амин бўламиз. Уларнинг юз-кўзида эртани кунга, ўзига бўлган қониқлик кўрамани. Улар ҳар ҳафтада спорт билан шуғуллана бошлашга ҳаётий ўзгарган, жамиятнинг фаол аъзоcи айланганлар талайгина. Шу маънода, маҳаллаларда ногиронлиги бўлган

шахсларни спорт тадбирларига кенг жалб этиш айрим ижтимоий муаммоларга ҳам ечим бўлади. Баъзида ногиронлиги бўлган инсонлар оила аъзоларига ҳам қўнғилдаги гапни очиб айтмавермайди. Улар ўз қобилига ўралиб, дўстларини йўқ деб ўйлайди. Оқибатда уларда сабийлик кузатилади. Адаптив спорт билан шуғулланиш, оммавий спортларда қатнашиш улардаги мана шундай стереотипларни енгиб ўтишда куч беради. Лўнда айтганда, адаптив спорт ногиронлиги бўлган ёшларни уйдан кўчага — одамлар орасига олиб чиқади.

2022 йилдан бошлаб маҳаллалардаги ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида “Беш ташаббус паралимпиадаси” оммавий спорт мусобақалари уч босқичда ўтказиб келинмоқда. Ўтган 2024 йилда 16 дан 30 ёшгача бўлган 29 минг 62 нафар ногиронлиги бўлган ёш мазкур мусобақада иштирок этиш истагини билдирган. Улар фойдаланишга қулай бўлган 5tashbub.us сайти орқали рўйхатга олинган. Натижада мусобақаларда 18 минг 416 ёш қамраб олинган. Бу ногиронлиги бўлган 18 мингдан ортиқ ёшга ўз қобилиятини кўрсата олиш, жамиятда ўрни борлигини ҳис этишга яратилган катта заминдир. Белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилда мазкур мусобақаларга ногиронлиги бўлган 45 минг ёшни қамраб олиш режа қилинган.

Мусобақаларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад юртимизда оммавий спорт-

Қамровни янада кенгайтириш учун эса “Беш ташаббус паралимпиадаси” оммавий спорт мусобақаларини ўтказишда айрим ижтимоий ўзгаришлар кутилмоқда. Жумладан, аввал эшитишда номсони бўлганлар ушбу мусобақаларда қатнаша олмади. Энди улар ҳам “Беш ташаббус паралимпиадаси” иштирокида бўла олади. Энди пайтда адолатли таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Яъни энди ногиронлиги бўйича классификацияга киритилмаган шахслар рўйхатдан ўта олмади. Бундай спортчи мусобақаларга қўйилмайди. Шу боис, параспорт билан шуғулланаётган 7 мингдан ортиқ спортчилар ногиронлик турига қараб классификациялашга жиҳдий эътибор берилмоқда. Яна бир янгилик, жорий йилдан бошлаб спорт турлари сони ҳам кўпайди. Бу ҳам маҳаллалардаги ногиронлиги бор ёшларни қизиқиши, имконияти ва истеъдодидан келиб чиқиб адаптив спорт кенгроқ жалб этишга хизмат қилади.

Ушбу мусобақада қатнашиш учун маҳаллалардаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳозирданок фаоллик кўрсатиб, рўйхатдан ўттипти. Умуман, юртимизда адаптив спорт ривожланиши, имкониятлар кенгайиб бормоқда. Жумладан, илгари бу тоифадаги ёшлар учун атиги 33 та мактабдаги ёшлар спорт тўғрисида бор эди. Ҳозир бундай мактаблар сони 235 тага етди. Натижада адаптив спорт билан мунтазам шуғулланувчилар 4 қарра қўйилиб, 7 мингдан ошди. Энди мазкур йўналишдаги имкониятлар янада кенгайтирилади. Бунинг учун худудлардаги 39 та спорт мактаби адаптив спорт турларига ихтисослашди. Муҳими, бундай ёшларни, айниқса, ногиронлиги бўлган қизларга имкониятга қараб бошқа соғлом спорт гуруҳларида ҳам шуғулланишга шариот яратилди. Йиғилишда мазкур мусобақаларга тайёрларлик доирасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. “Лос-Анжелес — 2028” Олимпия ва Паралимпия ўйинларида медаллар сонини икки қара ошириш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилди. Бунинг учун кераклик шарт-шароит яратиладиган бўлди. Лос-Анжелес ҳамда спортчиларимиз кўзланган натижага эришишига ишонамиз.

Бугун янги Ўзбекистон ёшларининг спорт билан шуғулланишга бўлган шижоати кишини қувонтиради. Чунки ақл-идроқли бўлишни истаган одам ўз танасини парвариш қилиши керак. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Тана парвариши эса нафақат спорт, балки соғлом овқатланишни ҳам талаб этади. Олдимизда мана шу икки жиҳатни кенг тарғиб қилишга қаратилган ишларни тўла адо этиш вазифаси турибди. Шу орқали Уччинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга ҳиссамизни қўшган бўламиз. Зеро, бундай юксак маррани соғлом миллат билангина забт этиш мумкин. Ҳа, энди “Соғлом инсон — соғлом миллат” ғояси атрофда бйралишимиз керак. Бунинг учун жуда катта қаҳрамонлик талаб этилмайди. Шунчаки, ўз соғлигини ўйлаб, спорт билан шуғулланиб, тўғри овқатланишни ташкил этишимиз кифой.

Эндиги навбат эса 2028 йилда Лос-Анжелесда бўладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юқори натижадорликни кўрсатишга қаратилган. Йиғилишда мазкур мусобақаларга тайёрларлик доирасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. “Лос-Анжелес — 2028” Олимпия ва Паралимпия ўйинларида медаллар сонини икки қара ошириш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилди. Бунинг учун кераклик шарт-шароит яратиладиган бўлди. Лос-Анжелес ҳамда спортчиларимиз кўзланган натижага эришишига ишонамиз.

Муносабат

Мамлакат юксак билимли, салоҳиятли ёшлар билан ривожланади. Юртимизда замонавий фикрлайдиган, профессионал тайёрларликка эга янги авлод кадрларини тайёрлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Президентимизнинг шу йил 14 февралда ёшлар билан самимий мулоқоти бунинг яққол исботидир.

Учрашув аввалида ёшлар “халқимизнинг олтин фондиди” деб аталгани бежиз эмас. Зеро, фарзандлари билимли, истеъдодли мамлакатнинг истиқбол, албатта, ёруғ бўлади. Таъкидланганидек, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Энди Президентимизнинг тегишли қарори билан олий ўқув юрти битирувчиларининг

“ГАРВАРДЧИЛАР МАКТАБИ”

Ёшлар иқтидорини юзага чиқаради

бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бунинг учун Миллий банкка 100 миллион доллар йўналтирилиб, ёшларнинг ташаббус ва ғояларини лойиҳага айлантириш бўйича банк хизматлари йўлга қўйилади. Шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича ҳоқимлар, банк ва корхона раҳбарларидан иборат комиссия тузилади. Ҳозир дунёдаги нуфузли университетларда 1500 дан зиёд ўзбекистонлик тахсил олаётгани, аввалги 25 йилда давлат ҳисобидан 800 йигит-қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда бу кўрсаткич қарийб уч баробар ошди, 2300 ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлди. Йиғилишда чекка худудларда чет тилларга ихтисослашган ўқув марказлари очган малакали ёшларга 120 миллион сўмгача фойсиз ссуда берилиши, шунингдек, хусусий ўқув марказларида хорижий тилларни ўрганадиган ёшларга тўловни “2+6” шаклида қоплашни, камбағал оилалар фарзанди фойсиз таълим кредити, қўшимча грант, шартнома тўловига ердан орқали ўқишга рағбатлантирилиши маълум қилинди.

Бу барча ёшлар ва ота-оналар учун қувончли хабар бўлди. Зеро, бунинг натижасида кўплай йигит-қизларнинг орзу-истаги рўёбга чиқади. Улар ҳам тендошлари қатори билим олиш, юрт ривожига ҳисса қўиши имконига эга бўлади. Давлатимиз раҳбари ёшларнинг тақлифини маъқуллаб, уларни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдираётган, ёшларга кенг имкониятлар яратилаётган бир пайтда биз — таълим соҳаси вакиллари ҳам ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш йўлида куч-гайратимизни аямаямиз. Хусусан, Андижон давлат чет тиллар институти хорижий тилларни ўрганиш истагидидаги ёшларни кенгроқ қамраб олиш мақсадида вилоятда “Гарвардчилар мактаби”ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқмоқда. Ушбу ташаббус орқали худуддаги 10 мингдан ортиқ йигит-қиз хорижий тилларни ўрганиш ҳамда келгусида ўзи истаган олийгоҳларга кириши имкониятига эга бўлади. Институтимиз бу борада ёшлар иқтидорини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратади. Британия кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамда АҚШнинг мамлакатимиздаги



этиҳонаси билан ҳамкорликда “Гарвардчилар мактаби”га таърибли ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда, инновацион педагогик методикалар ва рақамли ресурслардан, хусусан,

интерактив онлайн платформалардан фойдаланилади. IELTS, TOEFL ва бошқа халқаро имтиҳонларга тайёрларлик учун махсус курслар ташкил этилади. Халқаро сертификатлаш

марказлари билан ҳамкорлик қилинади. Бунда турли ёш тоифалари учун махсус дастурлар ишлаб чиқилади. Ўқувчилар ва талабаларга интерактив платформа яратиш кўзда тутилмоқда. Ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ва чет тилларни ўрганишни рағбатлантириш мақсадида вилоятимиздаги мактабларнинг 9- ва 11-синф ўқувчилари ўртасида анъанавий ташкил этиладиган “Ректор олимпиадаси” қамровини аввалги йиллардаги 5 мингдан 10 мингга етказишни режалаштирмоқдамиз. Шунингдек, мактабларда институтимиз кафедраларига бириктирилган чет тилларга ихтисослашган синфлар очилиши ҳам кўзланганимиз. Бу бизга қишлоқ ва чекка худудлардаги иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини беради. Мамлакатимизда ёшларга юксак эътибор уларнинг сифатли таълим олиши ва имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Ўз навбатида, йигит-қизларимизнинг кенг билим, тафаккур ва таърибага эга бўлиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда илмий салоҳиятини юксалтиради, жамиятимизни янги bosқичга олиб чиқади. Амалга оширилаётган барча ташаббус ва ислохотлар келажакда ўз самарасини беришга ишончимиз комил. Биз эса белгилаган мақсад ва вазифалар ижросини сифатли, самарали таъминлашда ташаббускор бўлишимиз лозим. Дилшодбек РУСТАМОВ, филология фанлари доктори, профессор

